



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 20 июнь, № 125 (7355) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИНИ Қўллаб-қувватлади

2019 йил 19 июнь куни

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётига доир муҳим масалалар киритилди.

Хусусан, дастлаб депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13-14 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилати Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида ҳамда 14-15 июнь кунлари Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммитида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Парламент қўйи палатаси вакиллари таъкидлаганидек, Президентимизнинг Бишкек ва Душанбе шаҳарларида ўтган олий даражадаги анжуманларда сўзлаган нутқлари ҳамда илгари сурган ўта муҳим ғоя ва ташаббуслари нафақат саммит иштирокчилари, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам жуда катта қизиқиш билан, илиқ қўлиб олинди. Ўзбекистон Президентини томонидан илгари сурилган "ШХТни ривожлантириш концепцияси"ни ишлаб чиқиш ғояси, айниқса, кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Жумладан, бешта устувор мезонга таянган ҳолда, ШХТ доирасидаги ўзаро манфа-

атли ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ экани, бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар учун, бир томондан, хавфсизликни таъминлашда келишилган сиёсатни юритиш, иккинчи томондан, давлатларимиз барқарор тараққиёти ва раванқи учун қулай шароитларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Умуман олганда, Бишкек саммити якунлари бўйича Ўзбекистон Президентининг тақлифи асосида Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилингани катта янгилик сифатида баҳоланмоқда.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Душанбе саммитидаги нутқи ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифалар муҳокама ҳам кизгин кечди. Депутатлар давлатимиз раҳбарининг мазкур олий даражадаги тадбирда илгари сурган иш-тирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустақамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги савй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган муҳим ташаббусларини тўла қўллаб-қувватладилар.



ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Тошкентда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаш» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Вазирилари Маҳкамаси, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар, мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар раҳбарлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги хусусий тизим, миллий ва халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, йирик сайёҳлик агентликларидан вакиллар иштирок этди.

Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Махкамаси А. Абдувоҳидов, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э. Боситқонова, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Р. Исамов ҳамда хорижий экспертларнинг соғлиқни сақлашни ривожлантириш стратегияси, соҳани бошқаришининг инновацион моделларини жорий этиш бўйича тақлифлари муҳокама қилинди, фикр-мулоҳазалари тингланди.



Жорий йил 21 июнда Олий Мажлис Сенатининг XX ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

КҮН ТАРТИБИ



Унда қуйидаги масалалар муҳокамаси режалаштирилмоқда:

- ✓ янги қонуналар қўриб чиқилади;
- ✓ Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегараларини ўзгарттириш тўғрисидаги масала қўрилади;
- ✓ Сирдарё вилояти ҳокимининг ҳудудларини ривожлантириш ҳамда қалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилади;
- ✓ илгари юборилган парламент сўровларининг натижалари қўриб чиқилади;
- ✓ Ҳуқуқатга Истиқболли туризм йўналишида Ўзбекистон халқаро имижини ошириш чоралари тўғрисида ҳамда Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан парламент сўрови юборилиши кутилмоқда.

КИЧИК ГЭСЛАР КАСКАДИ

48 000 ХОНАДОНГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ



КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ илгари сувсизликдан қақраган ҳудудларга обиҳаёт олиб келиб яшнатган, яшилликка буркаган бўлса, эндиликда у Наманган вилоятининг чекка қишлоқларига ёруғлик олиб кириб, одамлар қалбини, дилларни чарогон қилади.



Гап шундаки, Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги "2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори асосида Катта Фарғона каналининг Учқўрғон туманидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қуриб битказилди. Бунинг учун атиги икки йил кифоя қилди. — Қурилишга 2017 йилнинг июнь ойида киришган эдик, — дей-

ди лойиҳа бош пудратчиси, "To'palang HPD Building" унитар корхонаси директори Файзулла Асадов. — 793 минг куб метр туп-роқ, 57,6 минг куб метр бетон ишлари, шунингдек, 1776 тонна арматура ва бошқа юмушлар бажарилиб, объектни белгиланган муддатда бунёд қилдик. Бу бо-

рада ишчи-ходимларимизнинг соҳада бой тажриба тўплагани, 52 та махсус техника ва йирик машинадан унумли фойдаланилгани қўл келди, албатта. Соҳа мутахассисларининг ай-тишича, кичик ГЭСлар каскади Наманган вилоятида мустақиллик йилларида қурилган биринчи гидроэнергетика иншооти ҳисобланади.



БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАСИ: МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА, ТАКЛИФЛАР ЭСА ЎРГАНИЛЯПТИ

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини тушунириш, қабулхоналар иш фаолияти билан яқиндан таништириш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан Сирдарё вилоятида ўтказилган учрашувларда 500 нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этди. Улардан ер участкаси ва кредит ажратиш, рухсатнома, лицензия олиш, бузилган иморатларга нисбатан компенсация тўловларини ундириш билан боғлиқ жами 101 мурожаат келиб тушди.

Тадбиркорлар билан мулоқот

Мурожаатлар таҳлилидан аён бўлмоқдаки, кўпчиликни кредит олиш билан боғлиқ муаммолар қийнамоқда. Яъни бу борадаги сўровлар 29,7 фоизни ташкил этди. Шунингдек, мулкни расмийлаштириш, ер, бино ажратиш юзасидан қўллаб-қувватлаш талаби кўп.

етакчи маслаҳатчиси Маъруфжон Усмонов. — Масалан, Гулистон шаҳрилик А. Абдуҳакимовнинг хунардандларга меҳнат дафтарчаси очиш ва уларга меҳнат стажини ҳисоблаш тартиблари ҳақида тушунириш берилишини сўраб йўллаган мурожаати бўйича батафсил маълумот тақдим этилди. Айни чоғда, жойида ҳал қилиш имконияти бўлмаган муаммо ва камчиликларни туман, шаҳар ҳамда вилоят даражасида ҳал этиш юзасидан қисқа ва ўрта муддатли тадбирлар режалари шакллантири-

либ, мутасадди вазирлик ҳамда идораларга тегишли топшириқлар берилди. Яъни мурожаатларнинг 37 таси туман ва шаҳар, 55 таси вилоят ҳамда 9 таси республика даражасида кўриб чиқиш учун алоҳида назоратга олинди.

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимга эндигина бир ҳафтадан ошди, — дейди Ховос туманидаги Қорақум маҳалласида яшовчи ёш тадбиркор Дилором Ҳасанова. — Паррандалар, хусусан, бедана боқишни йўлга қўйганман. Албатта, уларга озуқа учун ер керак. Мана шу ҳақда ўйлаб юрганимда, туманимизга Бош вазир қабулхоналари иш фаолияти билан яқиндан таништириш бўйича Республика ишчи гуруҳи келиб, учрашув ўтказиши ҳақида хабар топдим. Пировадида унда қатнашиб, юқоридаги масала бўйича қилган мурожаатим Ховос тумани ҳокимлигига белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва амалий ёрдам бериш учун тақдим этилди. Ўйлайманки, ушбу ис-тагим тез орада амалга ошади.



Сенатор минбари ЕРДАН ФЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ дастлаб иккита туманда амалга оширилади

Ердан тўғри ва оқилона фойдаланилса, доимий эътибор қаратилса, унинг сифат ва унумдорлик кўрсаткичлари ошиб боради. Акс ҳолда... Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси томонидан Ер кодексининг захира ерлардан фойдаланишга оид қисмининг Жиззах вилоятидаги ижроси ўрганилганда, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ўрганиш жараёнида вилоятнинг 217 968 гектар, яъни умумий ер майдонининг 10 фоизи туманлар ҳокимликлари захирасида тургани, 6 035 гектар сугорилмаган ер фермер ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига ажратилмагани аниқланди.

ликамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди. Президентимизнинг "Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш борасида айна мудоао бўлди.

Бунга ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги, сув ва лоток тармоқларининг эскиргани, ёпиқ ҳамда ётиқ дренаж тармоқларининг ишламаслиги, оқибатда ерларнинг шўрланиши ва мелиоратив ҳолати бузилгани сабаб бўлмоқда. Фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳам захира ерлар тўғрисидаги маълумотлардан хабардорлиги жуда паст. Афсуски, бу каби ҳолатлар фақат Жиззах вилоятида эмас, балки республи-



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Йигирманчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси 2019 йил 21 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 20 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ



Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон фан, таълим соҳаларидаги ва маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлигининг мувофиқлаш-

тирувчиси бўлишга тайёр эканини билдиргани, динлараро ҳам-жихатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш

таклиф этилгани парламент ва-киллари томонидан юқори баҳо-ланди.

Мажлисида депутатлар ҳамда сиёсий партиялар фракциялари аъзолари Президентимизнинг Бишкек мажлиси ва Душанбе саммитидаги нутқлари ҳамда ил-гари сурган гоя ва ташаббусла-рини тўлиқ қўллаб-қувватлади-лар. Ушбу нутқлардан келиб чи-қувчи вазифаларни белгилаб олдилар.

Депутатлар жойларда сайлов-чилар билан учрашувлари чо-гда мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари мазмун-моҳиятини, аҳамиятини халқимизга етказиш-га келишиб олдилар.

Парламент куйи палатасининг кўмиталарига "ШХТнинг Бишкек саммити яқунлари парламент ни-гоҳида" мавзуда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш тавсия қилинди.

Эришилган келишувларни мил-лий қонунчилигимизга имплемен-тация қилиш, амалдаги қонунчи-ликни янада такомиллаштириш ҳамда парламент назоратида ушбу битимлар ижросига алоҳи-да эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисида Президентимизнинг гоя ва ташаббуслари, ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқа-ларни кенгайтириш, сиёсат, икти-содиёт, хавфсизлик соҳаларида

кўп томонлама ҳамкорликни яна-да ривожлантиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамият-га молик долзарб масалалар юзасидан Бишкек ва Душанбе саммитлари яқунлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик пала-таси олдида турган устувор йўна-лишлар, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисида парламент куйи пала-таси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чи-қилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАСИ: МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА, ТАКЛИФЛАР ЭСА ЎРГАНИЛЯПТИ



Эътиборлиси, учрашув-ларда тадбиркорлар томони-дан таклифлар ҳам билди-рилди. Мисол учун, Гулистон шаҳрилик яқна тартибдаги та д б и р к о р Д и л ф у з а Мансурова вилоятда ишлаб чиқарилаётган айрим, жумла-дан, тикувчилик маҳсулотла-рининг пойтахт улгуржи бо-зорлари орқали айланиб ке-лиши уларнинг нархи қим-матлашиб кетишига сабаб бўлаётганини билдириб, бу-нинг учун Гулистон шаҳрида савдо қўлдамалари ўтказиб туришни йўлга қўйиш бўйича фикр билдирди. Тадбиркор-нинг таклифи амалий ёрдам кўрсатиш учун Сирдарё ви-лояти ҳокимлиги ва Ўзбекис-тон Республикаси Савдо-са-

ноат палатаси эътиборига ҳавола этилди. Ширин ша-ҳрилик Илхом Абдужабборов эса электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти учун ҳамда "Тоza ҳудуд" таш-килотлари билан тузилади-ган шартномаларни давлат хизматлари марказлари ор-қали амалга ошириш такли-фини ўртага ташлади ва бу фикр ҳам тегишли идоралар томонидан қўриб чиқилади-ган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р. Давлетов раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи томонидан Сирдарё вилоятида ўтказил-ган учрашувлар икки кун да-вом этди. Бунда ҳудуддаги барча туман-шаҳарлар кам-раб олинди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Интилиш ҚОВУН ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Қашқадарё вилоятининг Косон, Чироқчи ва Қамаш туманларида етиштирилган "тилимни тилни ёрадиган" хуштаъм қовунлар Россияга экспорт қилинмоқда.

Қашқадарё вилояти бо-жона бошқармаси ахборот хизматининг маълум қили-шича, бу йилги пишиқчилик мавсумининг ўтган даврида тадбиркорлар томонидан 142 тонна ана шундай қовун экспортга чиқарилди. Эк-спортчи корхоналар орасида Чироқчи туманидаги "Олтин воҳа агро инвест" МЧЖ ҳам бор.

— Айна вақтга қадар рос-сиялик ҳамкорларимизга сара ва экспорт талабига

мос қарийб 70 тонна қовун етказиб бердик, — дейди жамият раҳбари Абдулхай Абдулхай. — Хориқлик иш-билармонлар билан махсу-лотлар олди-сотдиси бўйи-ча манфаатли келишувлар имзолаганмиз. Унга қўра, ҳамкорларга қовун, тарвуз, шафтоли каби сархил мах-сулотларни экспорт қилиш кўзда тутилган.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

6,2 МИЛЛАРД СЎМДАН ЗИЁД САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонаси кўз тубини нанометрларда текшириб, касалликни аниқловчи оптик конгерент томографи (ОКТ) билан жиҳозланди.

— Бундан ташқари, кўриш ўткирлигининг даражасини белгилайдиган, кўриш май-донидидаги ўзгаришларни бил-дирувчи, кўз олмасини ўлчовчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳам келти-риб ўрнатилди, — дейди ши-foxона бош вазири Шохид Дадамухаммедова. — Яқин-яқингача бу каби имконият-лар биз учун орзу эди.

Чиндан ҳам, шифохона ил-гари шаҳар чеккасида жой-лашган бўлиб, шарт-шароит-ларига ҳавас қилиб бўлма-ди. Вилоят ҳокимлиги та-

шаббуси билан Бухоронинг марказий қисмидаги фойда-ланилмай турган уч қаватли бино мазкур муассаса учун ажратилди. Иншоотдаги қурилиш-таъмирлаш иш-лари ҳамда шифохонани энг сўнгги русумдаги техноло-гиялар билан таъминлашга 6,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Нати-жада даврлаш ва даволаниш учун барча қулайлик юзага келди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Рақамлаштириш давлат бошқарувининг шаффофлигини таъминлайдими?

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Жамият ва янги технологик давр: шаффоф давлат бошқаруви модели" мавзудаги мулоқотда худди шу савол ўртага ташланди. Тадбир Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқатга бўлган ишончини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга масала бўлиб, бунга эришиш учун жамият ва ҳуқуқат ўртасида самарали мулоқот ўрнатиш, фуқаролар билан алоқани тўри йўлга қўйиш талаб этилади. Бу борадаги ислохотларни амалга оширишнинг омилли эса давлат ҳокимиятининг очик, ошқора ва шаффофлиги ҳисобланади.

Иштирокчилар фикрига қўра, экспертлик платформасидаги муҳокамалар республика, ҳудудлар ва алоҳида соҳалар ривожига катта хисса қўшади. Айна чоғда унинг натижаларидан давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилади.

Алишер КУРМАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси:

— Ихро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб берадиган институционал асосини яратиш мақсадида 2017 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Мазмурий ислохотлар концепцияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Мазмурий ислохотлар, бир томондан, самарали ресурсларни бошқариш ҳамда давлат органларининг имижини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан бизнес соҳасидаги турли маъмурий чекловларни камайтириш ва коррупцияга қарши курашни ку-

чайтириш орқали Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишини таъминлаш учун мўлжалланган. Шу муносабат билан, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувида илгор хорижий амалиёт, замонавий илмий ютуқлар, инновацион гоя ҳамда технологияларни жалб қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш жуда муҳим ҳисобланади. Экспертлик муҳокаmaları ҳамда ўзаро фикр алмашиш жараёнлари ва бунда Германия парламенти аъзоларининг иштироки Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар билан муносабатларини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Томас КУНЦЕ, К. Аденауэр фондининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили:

— Бугунги технологик ўзгаришлар дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан, Германия ва Ўзбекистонга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Айна депутатларимизнинг ушбу мавзудаги мулоқоти бу ўзгаришларнинг тезроқ тушуниш, англаш, амалиётга самарали татбиқ этиш имконини беради. Бир томондан ахборот технологиялари ҳаётимизни осонлаштиради, ишимиз тезроқ битади, шахс таъсири омилнинг олди олинади. Аммо бу рақамлаштириш фақат

ижобий натижаларга олиб келади, дегани эмас. Бунга давлат органлари фаолиятига муваффақиятли жорий этиш учун барча жиҳатини яхшилаб ўрганиб олиш керак. Ҳамкорликдаги мулоқотларимиз мазкур жараёнда икки томон учун ҳам самарали жиҳатларни ўзлаштиришда қўл келади.

Мунисхон ҚАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ

дастлаб иккита туманда амалга оширилади



Фармонга мувофиқ, Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси, мазкур концепцияни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси", 2020 — 2030 йилларда қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланиш са-



қишлоқ ҳўжалиги корхоналари-га, инвесторларга ажратилиши назарда тутилган.

Энг муҳими, қишлоқ ҳўжали-гида фойдаланиладиган, махсу-лот етиштириш имконини бе-радиган ерлар мутлак микдо-рининг чеклангани ва уни кўпайтириб бўлмалиги, шунинг-дек, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари тар-кибида сифати ва унумдорлиги юқори бўлган қисмининг кам-лиги, ўз навбатида, ердан оқилана ҳамда самарали фойдалани-шни тақозо этади.

Концепция эксперимент тариқасида 2019 йилда Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида амалга оширилади. Шу жараёнда ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шерикли-гининг шартлари, қўшимча им-тиёзлар, алоҳида имтиёзли кредит линиялари борасида

марадорлигини ошириш бўйи-ча амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсат-кичлари, 2019 — 2022 йиллар давомида қишлоқ ҳўжалиги ер-ларида сув тежовчи технология-ларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Концепция доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда ундан фойдаланув-чиларга экинларни мустақил жойлаштириш ва ерларни ик-киламчи ижарага бериш ҳуқуқининг тақдим этилиши амалда ерлардан ўзбосимча-лик билан фойдаланишга чек қўяди.

аниқ таҳлил ва натижалар умумлаштирилади. Экспери-мент натижаларига асосан, 2019 йил 1 ноябрга қадар кон-цепция бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади.

Концепция доирасида инвес-тициявий шартнома ёки дав-лат-хусусий шериклик асоси-да фақатгина қишлоқ ҳўжали-гида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, лалми ва ўрмон фонди ерла-ри фуқаролар ва қишлоқ ҳўжа-лиги корхоналарига берилади.

Бундан ташқари, яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар фуқароларга,

Баҳодир ТОҲИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ



Жумладан, Э. Боситхонова Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига тўхталиб ўтди. Унга қўра, ҳар бир мамлакат фуқаро-лари соғлиқини сақлашда ижобий натижага эришиш фақат маъсул давлат идо-раси, яъни Соғлиқни сақ-лаш вазирлигига боғлиқ эмас. Инсон саломатлиги учун уч асосий омил бор. Биринчиси, мустаҳкам давлат сиёсати. Иккинчи-си, инсон саломатлигига бевосита маъсул бўлган ва бошқа ташкилотларнинг вазифалари. Учинчиси, жамиятнинг ўзи соғлом бўлишга қаратилган қарор ва тиббий маданиятни юк-салтириш йўлидаги хатти-ҳаракатлар.

Халқаро конференция ана шу сингари омиллар-ни қўллаб-қувватлаш мақ-садини ҳам кўзда тутиши билан аҳамиятли бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жор-ий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ва-зирлар Маҳкамасининг те-гишли ҳужжати асосида ташкил этилган Инноваци-он соғлиқни сақлаш мил-лий палатасининг соҳани бошқаришнинг инновацион моделларини амалиётга

татбиқ қилиш борасидаги ўрни ҳақида батафсил маъ-лумот берилди.

— Палатамизнинг бош мақсади аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизи-мининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳа-га чет эл инвестициялари-ни фаол жалб қилиш, умум-эътибор этилган халқаро стандартлар ва инноваци-он технологияларни жорий қилишдан иборат, — дей-ди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раисининг ўринбосари А. Сиддиқов. — Палатамиз қатор лойиҳалар, дастур-ларни амалиётга жорий этиб келмоқда. Бугунги тадбирдан қўзланган мақ-сад эса халқаро ҳамжамия-ти эътиборини Ўзбекистон-да соғлиқни сақлаш тизи-мида олиб борилаётган ис-лохотлар жараёнига жалб қилиш, соҳада фао-лият олиб бораётган ху-сусий сектор вакиллари-нинг тажрибаларини кенг татбиқ этиш ҳамда хориж-лик экспертларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини тинглашдан иборат.

Конференция якунида ҳамкор халқаро ташкилот-лар вакиллари билан соҳа ривожига доир мемо-рандумлар имзоланди. Моҳиғул ҚОСИМОВА, Ўза муҳбири.

КИЧИК ГЭСЛАР КАСКАДИ

48 000 ХОНАДОНГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ



Техник назоратчи Абдуллажон Ҳожимирзаевнинг фикрича, улар суғориш тизимида асло халал бермайди. Чунки ГЭСлар учун Учқўрғон канали ўрнида 4,5 километрлик махсус канал қурилади. Чуқурлиги 4,36 метр, тубининг эни саккиз метрга тенг ушбу ўзанга Катта Фарғона каналидан сониясига 84 куб метр сув олинди, электр

энергияси ҳосил қилишда фой-даланилади-да, сўнг обиҳаёт яна каналга қуйилади. — Лойиҳаниннг умумий тех-ник-иктисодий асослари "Гид-ропроект" акциядорлик жами-яти томонидан ишлаб чиқил-ди, — дейди лойиҳа бош му-ҳандиси Элёр Иргашев. — Мен учун қувончли, айна пайтда, ўта ҳаяжонли жиҳати — бу би-ринчи катта ишим ҳисоблана-ди. Объектнинг ўзига хослиги

оддийлигида. Аммо инноваци-он технологиялардан фойдала-нилгани учун ўта мустаҳкам ва хавфсиз. Йил давомида узлук-сиз ишлаши эса унинг турдош объектлардан яна бир афзал-лигидир.

Чиндан ҳам, канал қошда-ги эгизак ГЭСлар ўта замона-вий. Улар Хитойнинг "Dongfang Electric" компанияси томони-дан ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги технологик ускуна-лар билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунга қадар хориждан умумий оғирлиги 936 тоннани ташкил этадиган тўртта агре-гат олиб келинди. Ҳар бири ўн минглаб деталардан таркиб топган ушбу қурилмалар мон-тажчи-мутахассисларнинг беш ой давомидаги тинимсиз меҳ-нати эвазига деярли йиғиб бўлинди.

— Компаниямиз дунёнинг 60 дан ортиқ давлатларига ўз ускуналарини етказиб беради, — дейди "Dongfang Electric" компанияси вакили Ли Чун Гуанг. — Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётганимизга эса 10 йил тўлди. Хусусан, ушбу янги ГЭСларга етказиб берилган агрегатлар фойдала-ниш муддатининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб тура-ди. Сабаби улардан 40 йил да-вомида фойдаланиш мумкин-лигини айтаётган бўлсак-да, амалда 80 — 100 йил бема-лол ишлатиш мумкин.

Кичик ГЭСлар каскадининг

умумий қиймати 31 миллион АҚШ долларига тенг. Шундан 22,3 миллион доллари "Ўзбек-гидроэнерго" акциядорлик жа-мияти, қолган қисми эса Хитой Халқ Республикасининг "Эксімбанки" томонидан мо-лиялаштирилди.

— Ҳозирги пайтда иккала ГЭСда ҳам ускуналарни йиғиш ва монтаж қилиш ишлари яқун-ланыпти, — дейди "Катта Фар-ғона канали кичик ГЭСлар кас-кади" унитар корхонаси дирек-тори Абдурашид Камолов. — Эътиборлиси, бу умумшар тўлиқ маҳаллий мутахассислар томонидан бажарилмоқда. Ҳадемай, ишга туширилгач, 50 га яқин доимий иш ўринла-ри очилади. Уларга, асосан, ёш мутахассислар, шунингдек, "Гулистон" МФЙ худуди аҳоли-си қабул қилинади.

Дастлабки ҳисоб-китоблар-га қўра, бу ҳаракатлар 8,5 йил ичида тўлиқ қопланади. Нега-ки, таркибда иккита кичик ГЭСни бирлаштирган мазкур объектнинг қуввати 12 МВтга тенг. Бу йилга 72,89 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, деганидир. Бошқача айтганда, шунча қув-ват 48 минг хонадон ёки Уч-қўрғон туманини электр энер-гияси билан тўлиқ таъминлаш учун етарлидир.

Саид РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Кун воқеалари

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

"Тошкент" автовокзалига Хитойнинг "Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd." компаниясида ишлаб чиқарилган 68 та автобус олиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва омма-вий коммуникациялар агентлигида "Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, унда кўзда тутилган асосий вазифалар-га бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Пойтахтимизда БМТ Болалар жамғар-маси (ЮНИСЕФ) ва "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида Ўзбекистонда ижтимоий хизмат ҳодимлари салоҳиятини ошириш масалаларини давлат идоралари билан муҳокама қилиш мақса-дида давра суҳбати уюштирилди.

Коракалпоғистон Республикаси Халқ таъли-ми вазирлиги тасарруфидаги "Баркамол ав-лод" болалар бадиий ижодиёт марказида "Иждоқ болалар" фестивали ташкил қилин-ди. Унда барча туман ва шаҳарлардан 100 на-фардан ортиқ ўқувчи-ёшлар катнашди. Ишти-рокчилар ёғоч ўймакорлиги, либослар дизай-ни, робототехника, автомобиль, экодизайн, ландшафт дизайни каби йўналишларда ижо-дий ишларини тақдим қилиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академия-си қошидаги Ёшлар умуммилларини ўрга-ниш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Анджонга Россиянинг "Газель" автомобиль компаниясида ишлаб чиқарилган "Газель next" русумидаги 30 та янги микроавтобус келтирилди.

Тошкентда Марказий Осиё ва Шарқий Европадаги ISOга аъзо мамлакатлар ўрта-сига стандартлар ва ҳамкорликни жорий этишга бағишланган уч кунлик халқаро се-минар-тренинг бошланди.

«Халқ сўзи».

Тараддуд

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» халқаро фольклор мусиқа фестивалига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

Анъанавий халқ байрамлари, сайиллари, тўй-томошалар, кўйинги, маданий хордик билан боғлиқ барча тадбирни фольклор кўшиқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, халқ оғзаси ижоди намуналарида аждодларимизнинг бой маънавияти, турмуш тарзи, анъаналари, инсоний фазилатлари муҳассама.

Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк ипак йўли» халқаро фольклор мусиқа фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан, жорий йилнинг 11 — 13 июль кунлари Марғилон шаҳрида ушбу нуфузли анжуман бўлиб ўтади. Айни кунларда мазкур тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ободонлаштириш ва кўламлиқлаштириш, безак ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 6 та маданий мерос объекти, автомобиль йўллари ва хибонлар таъмирланиб, Ижодкорлар боғидаги амфитеатр қайта қурилмоқда. 18 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми янги лойиҳа асосида таъмирланиб, ҳудудда манзарали даракт кўчатлари экилд.

Халқро анжуманини ташкил этишдаги асосий вазифалардан бири тарғибот ишларидир. Шу кунга қадар фестиваль логотипи лойиҳалари тайёрланиб, вилоят маданият бошқармасига тақдим этилди. Фестивалнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишчи баннер-паннолар нафақат вилоятда, балки Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятларида ҳам ўрнатилди. Шунингдек, интернет тармоғида фестивалнинг srfestival.uz домени рўйхатдан ўтказилиб, ҳозирги кунда дастурий таъминот ишлари якунига етказилмоқда. Шаҳардаги диққатга сазовор жойлар эса 3D форматда uzbekistan360.uz сайтига мунтазам жойлаштирилди. Ушбу веб-сайтдан Марғилоннинг энг хушманзара жойлари ҳақида маълумот ва суратлар ўрин олди.

Мехмонларнинг шаҳримиздаги тарихий обидалар, миллий ҳунармандчиликка оид осориётқалар, ҳунармандлик мактаблари фаолияти билан яқиндан танишиши учун бор имкониятни ишга сояяғимиз, — дейди Марғилон шаҳар ҳокимлигининг инвестиция ва туризм бўйича бош мутахассиси Дилдоракон Давлатёрова. — Айнан uzbekistan360.uz сайтини ривожлантиришда ҳам шунга эътибор бердик. Ушбу веб-сайтни дунёнинг исталган минта-

қасидан, айтайлик, Америкада туриб ҳам, Африкада ҳам бемалол кузатиш мумкин. Бу, ўз-ўзидан, қутилган меҳмонлар ва сайёҳлар сони янада кўп бўлишини таъминлайди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли фестивални шаҳарнинг марказий қисмларига ўрнатилганидан улкан мониторинг орқали тўғридан-тўғри кузатиб бориши мумкин. Тадбир давомида туристларга асосий қўлқош бўладиган инглиз, немис, француз, рус тили бўйича 114 нафар волонтер рўйхатини шакллантирдик.

Дарҳақиқат, Марғилондаги тарихий обиди ва зйёратгоҳларни қайта таъмирлаш борасида ҳам қизгин ишлар бажариляпти. Фестиваль қатнашчилари илк ташрифни кўхна ва навқирон шаҳарнинг энг кўзга кўринган манзилларида бошлаши табиий. Шундан келиб чиқиб, ташкилотчилар сайёҳлик инфра-тузилмасини жаҳон андозаларига мослашга, транспорт ва меҳмонхона хизматлари, умуман, сайёҳлик логистикасига замонавий ахборот технологияларини жорий этишга ҳаракат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, тадбирга 500 нафар хорижий, республикамиз вилоятларидан 1500 дан зйёд меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда. Уларни жойлаштириш бўйича 5 та меҳмонхона шай қилиб қўйилди. Улар қаторида қўшимча равишда 10 та хонага эга бўлган «Увайсий» уй-меҳмонхонаси ташкил этилди. Бундан ташқари, тадбир ташкилотчилари ва вилоятлардан келувчи меҳмонлар учун шаҳардаги 5 та коллеж ётоқхонасида таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Фаргона политехника институти ва Фаргона давлат университети талабалар тураржойларида ҳам ана шундай ишлар бажариляпти.

Фестиваль кунлари миллий маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилиши режалаштирилган.

Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»)

Анжуман

Чирчиқ шаҳрида Олмалиқ кон-металлургия комбинатида қарашли Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инновацион илмий-технологик марказларнинг роли ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ЁШ ОЛИМЛАР ЧЕТ ЭЛДА МАЛАКА ОШИРАДИ

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти тоғ жинсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича минтақамиздаги энг йирик корхоналардан биридир.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Жанубий Кореянинг KIRAM институти ҳамкорлигида Ўзбекистон — Корея Нодир металл ва қотишмалар илмий-технологик маркази ташкил этилаётган бўлиб, айни кунларда илмий лаборатория усуналари ҳамда малакали ходимлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Инновацион ривожланиш вазирлиги Иброҳим Абдураҳмонов комбинат олимларнинг тадқиқотларини амалда синаш учун катта полигон эканини айтиб, вазирлик ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий қилиш, илмий-техник лойиҳаларни шакллантиришда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади.

— Ишлаб чиқариш ва илм-фан муассасаларининг тандемисиз инновациони тасаввур этиб бўлмайди, — деди вазир. — Олмалиқ кон-металлургия комбинати 10 кишининг Жанубий Кореяда ўқиб келишини таъминлаган бўлса, биз сизларнинг яна 10 нафар мутахассисларингизнинг дунёнинг бошқа ривожланган давлатлари етакчи университетлари, илмий-тадқиқот марказларида малака ошириб қайтишлари ёрдам берамиз. Шунингдек, комбинат фаолиятига фойда келтирадиган илмий-техник лойиҳаларнинг 50 фоизини молиялаштиришга тайёрмиз.

Семинарда Ўзбекистон фан намояндалари, олимлар марказ имкониятлари билан яқиндан таништирилди.

«Халқ сўзи».

ALOQABANK

Инновацион бино

мижозларга янада қулайлик яратади

Қарши шаҳрида акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Қашқадарё вилояти филиали янги биноси фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири — Муस्ताқиллик шоҳкўчасида жойлашган уч қаватли мазкур иншоот кейинги вақтларда жадал ривожланаётган худуд манзарасига янада кўрк бағишлади.



Молия муассасаларида

Мижозларга қулай бўлиши учун қираверишда электрон навбат ташкил қиладиган ускуна ўрнатилди. Биринчи қаватдаги универсал кассалар ҳам кўзни қувонтирадиган даражада. Чунки уларнинг ҳар қайсисиди тўловларни ёки пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин.

Айтиш жоизки, бугунги кунда «Алоқабанк» жисмоний шахслар ва тадбиркорларга кенг турдаги хизматларни тақдим этмоқда. Мисол учун, банк томонидан чиқарилаётган «Unionpay-Uzcard» кобейднинг карталари янада оммалашди. Улар Ўзбекистон худудидан ташқари, жаҳоннинг 170 та мамлакатиди ҳам тўлов учун қабул қилинади. Филиалда «Visa classic» халқаро картасини бепул очиб, шунингдек, халқаро пул ўтказмалари бўйича бешта, республикамизда эса «Aloqa Express» пул ўтказмалари тизими хизматларидан фойдаланиш мумкин.

Банк ходимлари бизнесни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича қатор фойдали тақлифлар билан тадбиркорларга ёрдам кўрсатмоқда. Хорижий кредит линияларидан фойдаланишда ҳам янги имкониятлар очилляпти. Бунда «Алоқабанк»нинг Халқаро тарақ-

қиёт уюшмаси, Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоом корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия муассасалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатгани муҳим аҳамият касб этиляпти.

Вилоят филиалида «Интернет-банкнинг» хизмати ҳам фаол ривожланмоқда. Унинг ёрдамида уй ёки ишонадан чиқмай туриб банкдаги ҳисоб рақамингизни бошқара оласиз. Филиал миқозлари — 20 миндан зйёд юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, улар сафини янада кенгайтириш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида ходимлар мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб, илгор технологияларни ўзлаштириб келмоқдалар.

Утган йили Германиянинг «TUV International Certification» (TIC) сертификатлаш органи томонидан «Алоқа-

банк» ва унинг филиалларида аудит ўтказилган эди. Ушунда Қашқадарё вилояти филиалига ҳам банк хизматлари кўрсатиш соҳасида менежмент тизимининг ISO 9001:2015 стандарт талабларига мослигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати берилган. Янги бинонинг очилишига бағишланган тантанали маросимда банк вакиллари томонидан тадбирга келган илк меҳмонлар ўртасида акция ташкил этилди. Бунда иштирокчилар бирин-кетин электрон навбат усқунасидан рақам олишди. Оммадли рақам эгалари қимматбахо совғаларни кўлга киритишди.

Малика АБАЙДУЛЛИНА («Халқ сўзи»)

Хизматлар лицензияланган.

Таълим

БИР МАКТАБДАН 5 НАФАР БИТИРУВЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ ОЛДИ

Гулистонда умумтаълим мактабларини аъло баҳоларга битирган, ҳар жиҳатдан намуна бўлган ўқувчиларга олтин ва кумуш медаллар тапшанали равишда топширилди. Уларнинг 18 нафари олтин, 7 нафари эса кумуш медаль соҳибларидир.

— Бугун мен учун байрам, — дейди Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги 1-вилоят хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Мадина Суннатова. — Яқиндагина умумтаълим фанлари бўйича

республика олимпиадасида француз тили йўналишида биринчи ўринни кўлга киритган эдим. Энди олтин медалли бўлдим. Қолаверса, республикада эришган ютуғим учун ташаккурнома ва совға билан ҳам тақдирлашди.

Мадина ўқиган мактабнинг яна 4 нафар ўқувчиси ҳам олтин медаль олди. Гулистон шаҳри бу борада вилоят туман-шаҳарлари ўртасида етакчиликини эгаллади. Бундай юқори кўрсаткич Сайхунбод туманида ҳам кузатилди. Яъни сайхунбодлик 4 нафар ўқувчи олтин, 1 нафари эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилади. 2019 йил 19 июлда ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Фаргона вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: Table with columns: T/р, Автотранспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Лот рақами, Аукцион ўтказиладиган сана.

«ФАРГОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» МЧЖ КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 майдаги 431-сонли «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг устав фондидидаги давлат улушини сотиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига кўра, «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ хорижий инвесторга сотилмоқда. Шу муносабат билан 2019 йилнинг 17 июлига қадар кредитор қарздорлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилган кредиторлар билан якуний ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши ёки кредитор қарздорликлар «Ўзбекнефтгаз» АЖга ўтказилиши назарда тутилган. 1. Корхона ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётганлиги ҳақида Давлат хизматлари агентлиги маълумотномаси (асл нусха). 2. Солиқ идорасидан корхонанинг СТИР маълумоти. 3. Корхона раҳбарининг паспорт нусхаси. 4. Кредиторлик қарз юзага келган шартнома нусхаси, ҳисоб-фактура ва бошқа бирламчи ҳужжатлар нусхалари. 5. Мавжуд қарздорлик бўйича солиштирма далолатнома асл нусхаси. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар 2019 йилнинг 17 июлига қадар қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига мувофиқ, дебитор ва кредитор қарздорликлар инвесторга ўтказилмайди ҳамда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда мавжуд қарздорлик «Ўзбекнефтгаз» АЖга топширилмайди. Маълумот учун манзил: Фаргона шаҳри, Саноат кўчаси, 240-уй. Тел.: 73-229-48-00. «Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ маъмурияти.

O'ZBEKINVEST MILLIY SUGURTA KOMPANIYASI Хурматли экспортчилар! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта хизмати механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «ЎЗБЕКИНВЕСТ» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси экспорт операциялари ва кредитларини сугурталаш дастури бўйича экспортни сугурталаш орқали қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги механизмларини тақдим этади: харидор кредитини сугурталаш; қисқа муддатли дебитор қарздорликни сугурталаш; маҳсулот етказиб берувчи кредитини сугурталаш; тасдиқланган аккредитивни сугурталаш; экспорт қилувчининг айланма маблағларини тўлдириш кредитини сугурталаш; экспорт факторингни сугурталаш. ISO 9001:2015 www.uzbekinvest.uz Хизматлар лицензияланган. Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 78-120-03-82 (Н. Шарипов), 78-120-03-59 (У. Мусалиева), 71-207-60-00 (Колл-центр-24/7).

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Д. Қаримов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.40 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6